

Абдулатиф АЛЛОҚУЛОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Илмий тадқиқот ва инновацион лойиҳалар
маркази “Исломунослик” бўлими мудири

ШИҲОБИДДИН МАРЖОНИЙНИНГ «АЛ-ҲИКМА АЛ-БАЛИҒА» АСАРИДА МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИНИ ЁРИТИЛИШИ

XIX асрда Бухоро ва Самарқанд мадрасалари таъсирида олим сифатида шаклланган Шихобуддин Маржоний (1233-1306/1818-1889) [3:325-327] дастлабки таълимни отаси Баҳоуддин Субҳондан олган. Татарликлардаги урфга биноан олим ўз диёридаги мадрасаларни тугатгандан кейин Бухоро ва Самарқандга илмий сафар уюштирган. Улар Бухоро ва Самарқанд мадрасаларини битирмаган талабани олим деб тан олмас эдилар. Шу анъанани Шихобиддин Маржоний ҳам давом эттириб, ўз илмини ўз даврининг илмий марказларида таҳсини давом эттирди. У Абдурахмон Жомийнинг “Шарҳи Мулла”, Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ ул-Ақоид ан-насафия” ва бошқа бир қатор мантиқ фанига доир асарларини Самарқандда ўқиб тугатди. Олимини таъкидлашча, Самарқанд ва Бухорода Маржоний таҳсил олган кезларида мантиқ илми зўр бериб ўргатилган. Қуръон ва ҳадис ўрганиш эса, олимларнинг диққат марказидан четлашиб қолган эди.

Маржоний илмий сафардан ватанга қайтгач Умар Насафийнинг “Ақоид” асарини фалсафий қарашларсиз Қуръон ва ҳадис асосида шарҳлаб, Абу Ҳанифа тутган йўлни очиб беришга ҳаракат қилган. Шунинг учун ҳам унинг ақидавий қарашларига доир маълумотлар асосан олимнинг “ал-Ҳикма ал-балиға ал-жания фи шарҳ ал-ақоид ал-ҳанафия” асарида учрайди. 1915 йил Маржоний таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан чиқарилган “Маржоний” номли тўпламда Кашшоф

Таржумоний олимнинг ақидавий қарашларини бир жойга жамлашга ҳаракат қилган [6: 1/28-72]. Замонавий тадқиқотчилар ҳам Маржонийнинг баъзи қарашлари хусусида тўхталиб ўтишган. Жумладан, Татар тадқиқотчиларидан Айдар Юзеев ўзининг бир қатор мақолаларида Маржоний меросининг фалсафий-диний жиҳатларини очиб беришга уринган. Турк тадқиқотчиси Иброҳим Марашанинг жадидларга бағишланган тадқиқотларида ҳам Маржонийнинг ақидавий қарашларига оид маълумотларни учратиш мумкин [5].

Маржоний мантиқ билан йўғрилган ақидавий асарлар эскиргани ва ҳозирги вақтда янги йўналишда Қуръон ва ҳадисга асосланган ақидавий китоблар ёзилиши кераклигини кўплаб ўринда бот-бот такрорлайди. У Самарқанд ва Бухорода таҳсил олиб юрган кезларида асосий илмлар қолиб, талабалар иккиламчи китобларни ўқиш билан банд бўлишлари уни қийнайди. Шу билан бир қаторда Маржонийнинг калом илмидаги қарашларини ўзгаришига Қурсавийнинг таъсири ҳам жуда катта бўлган. Чунки, Қурсавий Насафийнинг “Ақоид” асарида эски ва янги шарҳлар битиб, у иккисида ақоид илмини ёритишда Абу Ҳанифа йўлини тутиш зарурлигини таъкидлайди.

Олим ўрта асрларда калом илмида юз берган ақлий, мантикий, фалсафий қарашлардан ҳоли ақоид илмида бир китоб ёзишни хоҳлаган ва ўзига асос сифатида Насафийнинг “Ақоид” асарини танлаган. Олимнинг ўзи бу ҳақда шундай деган: “Зеро, Насафийнинг “Ақоид” асари

хақдан оғишмаган мўтадил шариат қонун-қоидалари, яъни бизнинг салафларимиз тутган ҳанафий мазҳаби (уларга қарши чиққанлар доим мағлуб бўлиб, қувғинга учради) асосида ёзилгани боис кадри баланд, ташна кўнгилларни суви билан сероб қиладиган ва касалларга шифо бўладиган китобдир” [4: 3].

Олим ислом таълимотини фалсафа, мантиқ каби илмлар билан қориштриб ташлаган муътазилий фирқаси ва уларни издошлари ҳақида шундай фикрларни билдирган: “Ҳақиқатдан ҳам салаф олимлар ва фақиҳлар (Қуръон ва ҳадисга асосланмай, фақат ақлга таянган) калом илмини маъкул эмаслиги, у билан шуғулланганларга нисбатан яхши муомалада бўлмасликка иттифоқ қилишган. Чунки улар шариат чегарасидан чиқишди, пешқадам олимлар йўлидан боришмади, ақл, фикр ва назрга эрк беришди. Улар калом илмини гумон, тахмин ва фаразлар асосига барпо қилишди. Шунингдек, улар калом илмини табиат, ҳавои нафс ва истиҳсон ҳукмига топшириб қўйишди [4: 6].

Маржоний ўз сўзига аҳли сунна вал жамоа пешволаридан қуйидагиларнинг сўзларини далил сифатида келтиради: “Имом Абу Ҳанифа: “Аллоҳ Амр ибн Убайдни вафот эттирсин. Чунки, у калом илмига эшик очиб берди”, деган. Абу Юсуф: “Калом илми борасида илмга эга бўлиш жаҳолат, калом илмидан жаҳолатда қолиш илмдир”, деган”. Имом Молик: “Ўзларингизни бидъатдан йироқ тутинглар”, деди. Шунда: “Бидъат нима?”, дейилди. У: “Саҳоба ва тобеинлар баҳс қилмай сукут сақлашган Аллоҳ таолонинг исмлари, сифатлари, каломи, илми ва қудрати борасида сўз юритишадир”, деган” [4: 6].

Бу ерда сўз муътазилларнинг калом илмига доир баҳслари ҳақида кетмоқда. Сўнгра Маржоний шундай дейди: “Бу самарасиз фан. На уни эгаллаб бўлади ва на узоқ йил шуғилланиш билан у фанга эришиб бўлади. Чунки, калом илми жадал илмининг самарасидир. Муътазилийлар Маъмун даврида шарҳланган турли фалсафий китобларни муталаа қилишлари натижасида жадал илмини фан сифатида шакллантиришди ва калом илмини унга муқобил тарзда қўйишиб, уни фалсафа билан қориштириб ташлашди” [4: 6-7].

Тўрт мазҳаб имомлари ва уларнинг издошлари Абу Мансур Мотуридий, Абу Мусо Ашъарий, Абул Муъин Насафий, Абу Ҳафс Насафий каби олимлар [2: 11] муътазилийлар қарши асосида шаклланган каломга нисбатан салбий муносабатда бўлишган. Буни Шихо-биддин Маржоний ҳам таъкидлаб ўтган. Умуман олганда калом рационалиزم, антиавторитаризми ва критицизми анъанавий аҳли сунна вал жамоа қарашларига мос келмайди [2: 11].

Маржонийнинг “ал-Ҳикма ал-балиға” асарида калом илми муаммосини қўйилиши XIX аср иккинчи ярми Татар диний-фалсафий тафаккурида нисбатан янги ҳодиса ҳисобланади. Бу каби қарашларни Маржонийгача Қурсовий илгари сурган. Бироқ ушбу олимнинг асарлари XX асрга келибгина нашр этилган. Шунинг учун ҳам Маржонийнинг асарларини ушбу соҳа бўйича илк нашр қилинган асарлар деб ҳисоблаш мумкин [7: 35].

Маржоний “Тавҳид илми” билан “Калом илми”ни бир-биридан фарқли деб билган. У “Тавҳид илми”ни ўрганиш жоиз ва зарур деб ҳисоблаб, “Калом илми”ни ўқишни дуруст деб билмаган. Баъзи илоҳиётшунослар яқкаҳудлик илмини калом илми ёки ақида [1: 9-10] илми деб аташган ва ҳозир ҳам аташмоқда, буни татар олимлари [6: 35], хусусан қадимгилар қаттиқ ушлашган. Маржонийнинг бу борадаги пазияси традиционалистлар фикри билан ўхшашдек. Татар илоҳиётшуносларининг тушунчасида ақида ва калом ўртасидаги фарқ шундан иборатки, калом дин асослари ва руқнларига тегишли бўлмаган масалалар билан шуғулланади. Шунинг учун ҳам муайян масала бўйича калом ҳулосасига рози бўлмаган одамни бидъатчи ёки муртад деб эълон қилиш мумкин эмас, дейишади.

Илоҳиётшуносликнинг яна бир муҳим муаммоси – бу Аллоҳнинг сифатларидир. Маржоний Аллоҳнинг сифатларини шарҳлаган ҳолда шундай дейди: “Билгинки, илоҳий сифатлар маъно жиҳатидан бир-бирига яқин бўлишига қарамай уларнинг ҳар бирининг ўртасида бир-биридан ажратиб турувчи нозик жиҳатлар мавжуд, уларни фақат Аллоҳнинг хос бандаларигина биладилар. Пешқадам олимларнинг Аллоҳ таолонинг сифатлари ва Унинг исмларини исбот қилишда тутган йўл-

лари Аллоҳнинг Китоби ва пайғамбарнинг суннати эргашиш ва бўйинсунишдан иборат бўлган. Шунинг учун ҳам Китоб ва суннада келтирилган исм ва сифатлар ҳеч қандай таъвилсиз, бир сифатни бошқа сифат ёрдамида шарҳламай, илоҳни ададланиб қолишини инкор этиш, уларга қўшимча қилмай, ўзгартирмай, бошқаларга ўхшатмай, муайянлаштирмай Аллоҳ таолога ҳақиқатда собит қилишдир... Шунинг учун илк олимлар Аллоҳ таолога “ал-Вожиб” сифатини ишлатишмаган. Аслида, Аллоҳни бу ном билан аташ юнон фалсафасидан таъсирланиш асосида бўлган. Кимдаки бу борада ижмоя бор деса, ижмояга қарши борган бўлади”, деган [4: 26].

Аллоҳнинг “ал-Вожиб” каби каломга оид китобларда зикр этилган сифатларини Маржоний файласуфларга тегишли деб билади. Маржоний мутакаллим ва файласуфларнинг атамаларини муҳокама қилишдан, ўрганишдан бош тортмайди, бироқ уларни “Ақоид илми”дан чиқариб ташлайди.

Юошқа ўринда Маржоний шундай дейди: “Билгинки, (Абу Ҳанифа) издошларининг бу борада пешқадам олимларга тақлид қилган йўли Аллоҳ Ўзини ўзи сифатлаган барча нарсалар билан тавсифлаш, Ўзини ўзи номлаган барча нарсалар билан аташдан иборатдир. Китоб ва суннада келтирилган, муаллиф (Насафий) зикр қилган сифат ва исмлар, жумладан, ал-жалол, ал-икром, ал-жууд, ал-инъом, ал-изза, ал-ъазама, ал-яд, ал-важҳ, ал-истиво¹ ва ҳоказоларнинг орасида асли маълуму васфи мажҳул бўлган муташобихлари мавжуд бўлиб, асли маълум бўлган нарсаси сифати мажҳул бўлиши билан ботил бўлиб қолмайди. У сифатларнинг барчаси Аллоҳнинг ҳузуридан дур. Шундай экан уларнинг зоҳирига имон келтириб, ботинини тасдиқ қилиш ва Аллоҳ таолога уни илмини топишириш вожиб бўлади” [4: 28-29].

Бу ўринда Маржоний муташобих сифатларни шарҳлашда Абу Ҳанифа йўлини тутганлиги маълум бўлмоқда. Аслида, сифатлар борасида аҳли сунна вал жамоа таълимотида

икки хил қараш мавжуд. Биринчи, қараш “аслам (тинчроқ йўл)”, иккинчи қараш “аҳкам (пухтароқ йўл)” йўл дейилади. Абу Ҳанифадан тортиб Абу Мансур Мотуридийгача бўлган аҳли сунна вал жамоа олимлари “аслам (тинч)” йўлни маҳкам тутишган. Чунки, уларнинг замонасида бу йўлни тутиш маъқул ва муносиб эди. Мотуридий замонасига келиб, муътазилийлар томонидан Аллоҳнинг сифатлари турли тарзда шарҳланиб, таъвил қилинди ва сифатларни таъвили борасида қараш ва фикрлар кўпайиб кетди. Натижада, оми халқ орасида фитна уруғи куртак чиқара бошлади. Бундай пайтда аҳли сунна вал жамоа олимлари ҳеч қандай чора кўрмай сифатлар борасида Абу Ҳанифа ва пешқадам олимлар йўлини тутишганида уммат порокандага учраб кетиш хавфи бор эди.

Анашундай қалтис бир вазиятда Имом Мотуридий муташобих сифатларни далиллар асосида таъвил қилиб, Абу Ҳанифа ва пешқадам олимлар йўлини ўз даврига мос тарзда таржима қилиб берди. Маржоний эса, ўзи яшаб турган муҳитдан келиб чиқиб, сифатлар борасида ҳозирги кунда Абу Ҳанифа йўли тутилса мақсадга мувофиқ бўлади, деган ғояни илгари сурди. Бу билан у антропоморфизмни инкор этмоқчи бўлган. Ушбу нуқтаи-назардан маълум бўладикки, Қуръон ва ҳадисда маъноси фақат Аллоҳгагина аён бўлган оятлар мавжуд. Мусулмонлар уларни муайянлаштирмасдан ёки “қандай”, “қай тариқа” деган саволларни қўймаган ҳолда ишониб тасдиқлашлари лозим.

Маржоний Насафийнинг “Ақоид” асарини нақлий далиллар асосида шарҳлашга уринган. Лекин, фалсафа ва мантикка ҳам айрим ўринларда мурожаат қилишга тўғри келиб қолган. Жумладан, муътазилий ва ашъарийларга раддия берган ўринларда буни исботини кўриш мумкин. Лекин, олим Тафтазоний каби “нарсаларнинг ҳақиқати”, “билиш ва билиш воситалари” мавзуларида мантикий, фалсафий қарашларни қориштириб ташлаганидек мураккаблаштирмаган. Китобни содда ва раван тилда ёзишга ҳаракат қилган. Умуман олганда Маржонийнинг асари ўз асридаги ақидавий қарашлар ҳақида қимматли маълумот беради.

¹ “Қўл” ва “истиво” каби сифатлар қайд этиб ўтилганидек аксар илоҳиётшунослар томонидан метафорик изоҳланади. Яъни “қўл” остида қудра ва ҳокимият тушунилса, “истиво” эса эга бўлиш ва олиш (Қаранг: Абдумалик Абдурахмон. Шарҳ ан-насафия. Б. 68-73).